

Qishloq hayoti

Кишлoк ҳaёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-йил 15-AVGUST, PAYSHANBA, 99 (8180)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда "Боинг – фуқаро самолётлари" компанияси президенти, "Боинг" корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мөхмонни юртимизга ташрифи билан күтлар экан, "Боинг" компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Боинг" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг

ярмидан кўпи, жумладан, АҚШ ва Япония каби узок мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна иккита "Боинг 787-800 Дримлайнер" самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг ўкув-машгулут марказини машқ ускуналари

билан жиҳозлаш, Тошкент шахрида "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонаси негизида самолётлар конструкциясининг ийрик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самимий қабул, очик фикр алмашув ҳамда "Боинг" компанияси фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдириди.

ЎЗА



УЧҚЎРҒОННИНГ ШИФОБАХШ СУВИ



Чқўрғон туманидаги «Учқўрғон Кристал» масъулияти чекланган жамияти маъданли сувни қадоқлаш ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтиослашган.

Ўтган йили туман марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банинг молиявий кўмагида ташкил этилган ушбу

корхонага замонавий ускуналар ўрнатилиб, 1,5 минг метр чукурлиқдан олинган сувни тозалаш ва маъданлар билан тўйинтириш, полиэтилен идишларга қадоқлаш йўлга кўйилди. 24 киши иш билан таъминланди.

СУРАТДА: корхона оператори Аброржон Қаҳхаров.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

2013 Обод турмуш йили

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг

ФАРМОЙИШИ

**РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ
РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА
ИШЧИ КОМИССИЯСИНИ
ТУЗИШ ТЎГРИСИДА**

Халқаро тажриба, талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолияти рейтинг баҳосини холисона аниқлаш принциплари, ёндашувлари ва мезонларини синов тарзида аprobация қилиш массадида:

1. Бунинг учун иловага мувоғиқ таркибда Ишчи комиссияси тузилсин.

2. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев) иккى ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори билан белгиланган олий таълим муассасалари тузилмаси рейтинг баҳолари тизими балларининг кўрсаткичлари ва даражасини, уларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мослиги, олий ўкув юртлари илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб ошириётган юқори малакалар мутахассислар тайёрлаш мақсади вазифаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

Бунда олий ўкув юртлари илмий-педагогик фаолиятининг қўйидаги энг муҳим мезонларига алоҳида эътиборни қаратиб, юқори баллар белгилансин:

чет эллардаги олий ўкув юртлари билан қиёслаганда ўқитиш савияси ва сифати, профессор-ўқитувчи кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ўқитишни халқаро талаблар даражасида таъминлайдиган замонавий педагогик технологияларни эгаллаганлиги, мамлакатимиз олий ўкув юртлари ўқитувчиларининг чет эл олий ўкув юртларида маърузалар ўқищдаги иштироки;

олий ўкув юртларини битириб чиқсанларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашув даражаси ва олий ўкув юртларининг кадрлар тайёрланаётган корхоналар билан ишлашини ташкил этиш сифати;

олий ўкув юртларида ўқизилаётган илмий-текшириш ишларининг самарадорлиги, энг аввало экспериментал-лаборатория базасининг холати, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш дараҷаси, корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бирорлари базасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш.

3. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев):

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан биргалиқда 2013 йилнинг 1 ноябринга қадар муддатда юқори босқич талабаларининг маҳсус соҳа фанлари бўйича билимлари даражасини ва олий ўкув юртларида тайёрлаш сифатини баҳолаш учун дарсларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш мақсадида танлаб олиб тест синовларидан ўтказсин;

эксперт гурӯхлари иштироқида 2013 йилнинг 1 деқабрига қадар муддатда эксперимент тариқасида 2-бандда баён этилган принцип ва мезонлар асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳоласин;

ўтказилган ишларнинг натижалари бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар муддатда олий ўкув юртлари рейтингини баҳолаш тизими ва методикасини, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этишни янада тақомилаштириш бўйича аниқ тақлифлар билан бирга яқуний ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosari A.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ж.Ф.Исмоилов зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шахри,
2013 йил 14 август

Тошкент Вилояти

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ КИЁФАСИ



Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ҳам истиқололарни бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда барпо этилган маданий-маишӣ иншоотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, уй-жойлар, ишлаб чиқариш обьектлари, кенг ва равон йўлларни кўриб, баҳри дилингиз яйрайди.

— Қишлоқларимизнинг шаҳар билан бўйлашаётгани, одамларимиз ҳаёти, умуман, баҳра соҳада юз берётган ўзгариш ва янгиланишлар тинчлик ва осойиштарилик, мустақиллик туфайлидир, — дейди Янгийўл тумани ҳокимининг биринчи ўринbosari Равшан Норбўтаев. — Ана шу улуғ неъматларнинг қадрига етиш, кўз корачигидек асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Кейинги йилларда туманда ободонлаштириш, қурилиш-таъминалаш ишлари кўлями янада кенгайди. Кўплаб янги бино ва иншоотлар қад кўтарди, мавжудлари таъминаланди. Янгийўл темир йўл вокзали қайта реконструкция қилинди. Вокзалга туташ худудда осма кўприк ишга туширилди. Йўловчилар мушкуни осон қўлган ушбу кўприк ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегиши фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ижроси доирасида ўтган йили сузиш ҳавзаси, болалар мусиқа ва санъат мактаби, қишлоқ врачлик пункти, иккита кичик футбол майдони бунёд этилди. Туман марказидаги 62-, «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар ийғинидаги 25-умумтаълим мактаблари янги қиёғага кирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августанда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2009-2012 йилларда тумандаги Шўралисой, А.Ортиков ҳамда У.Мусаев номидаги қишлоқ фуқаролар йигинлари худудида намунивий лойиҳалар асосида 145 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Давлатимиз раҳбари ташабbusi билан қурилаётган турар-жойлар қишлоқларимизга бутунлай янгича, кўзни қувонтирадиган чирой баҳш этмоқда, — дейди «Махалла» хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Эркин Йўлчиеv. — Бу одамларимиз кайфиятига руҳиятини кўтариб, уларнинг ҳаётга, обод турмушга бўлган қизиқиши ва интилишини янада ошираёттир. Намунивий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга талабнинг ошиб бораётгани ҳам бундан далолатдир.

Айни кунларда туманда «Обод турмуш йили» давлат дастури ижроси доирасида беш километрдан ортиқ ичкӣ йўл таъминаланиб, 4,2 километрлик сув қувури тортилмоқда, «Ниёзбosh» қишлоқ фуқаролар ийғини худудида мини-футбол стадиони барпо этилаёттир. Тошкент-Термиз» автомо-

магистралининг Янгийўл туманинда ҳам истиқололарни бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда барпо этилган маданий-маишӣ иншоотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, уй-жойлар, ишлаб чиқариш обьектлари, кенг ва равон йўлларни кўриб, баҳри дилингиз яйрайди.

75-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби.



Жорий йилда тумандаги 2-Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўйими учун янги бино қурилди, 52-умумтаълим мактаби ва Гулбахор саноат касбхунар коллежи капитал таъминаланди. Туманда етмишдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, ун, чорва учун озуқа ва ҳўжалик моллари ишлаб чиқардиган «Сун вай булд» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга кўйилди. Натижада уч юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши, паррандачиликни ривожлантириши максадида ташкил этилаётган «Ойша она бизнес» масъулияти чекланган жамияти 150 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Туманнинг мева-сабзвот ишлаб чиқардиган аҳолига арzon ва сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, ички бозорни тўлдириш, янги корхоналар очиш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини оширишга хизмат килимокда. 2012 йили бу ерда мева-сабзвотни қайта ишлайдиган «Мастер глобал плюс» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Янфурт» кўшма корхонаси ташкил этилди. Икки юз нафардан зиёд йигитқиз меҳнат қилаётган мазкур корхоналарда тайёрланётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда туманда 837 фермер ҳўжалиги фаoliyat юритмоқда. Улар асосан мева-сабзвотчилик, фаллачилик, бодорчилик, узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Майлумотларга кўра, ту-

манда жорий йилда 2012 йилга нисбатан анча кўп – 427,9 минг тонна сабзвот, 17,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 58 минг тонна картошка, 22,4 минг тонна мева ҳамда 10,5 минг тонна узум етишириш кўзда тутилган. Бунинг учун баҳра куч ва имкониятлардан самарали фойдаланимокда.

Янгийўлда бозорларни тартибга келтириш, янгиларини қуриш, мавжудларни реконструкция қилиш, сотовчи ва ҳаридорлар учун кулаг шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

«Янгийўл дехқон бозори»да кейинги йилларда 1 минг 253 ўринли озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари растини янгиланди. Гўшт, сут ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун алоҳида жой аж-

О.МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

ратилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ишлаб турибди. Бозор атрофида замонавий дўконлар, чойхона, банк шоҳобчалари, маший хизмат кўрсатиш масканлари жойлаштирилгани ҳаридорлар учун кенг қулийликлар туғдирмоқда.

“Янгийўл савдо комплекси” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмал Аъламовнинг айтишича, ўтган йиллари давлатимиз ва тадбиркорлар маблағи хисобига уч юз элликка яқин дўкон қурилиб, ишибилармонларга берилган. Бугунги кунда сўнгига пардозлаш ишлари бажарилаётган ўтизга дўкон Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида иш бошлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма иккӣ йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида Янгийўлда ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга қизғин хозирлик кўрилмоқда. Туманда ободонлаштириш, қурилиш-таъминалаш ишлари авж олган. “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида тури маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаёттир. Шиор ва ёзувчилик, санъаткорлар иштирок этажига бундай тадбирлар янгийўлликларга байрамона кайфият бағишиламоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.**

Андижон Вилояти

«ШАФТОЛИ САЙЛИ»ДА САРА МЕВАЛАР

Андижон вилоятида “Шафтоли сайли” республика танлови ўтказилди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари соҳибкорлари ўзлари етиширган сара шафтоли мевалари билан иштирок этишиди.



Таъқидлаш жоизки, 60 нафар фермер томонидан тақдим этилган 112 турдаги мевалар қўриниши, мазаси ва шу каби бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқланниб турди. Тадбирда қайд этилганидек, бу юртимизда боғдорчилкни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, селекция ишлари натижасида шафтоли тури ва навларининг кўпайиб бораётгани ҳамда боғбонларнинг тармоқда илгор тажрибаларни кўллаган ҳолда иш юритаётганинг самарасидир.

— Андижонда илк бор ташкил этилган ушбу тадбир ноёб навларни аниқлаш, уларни ҳудудлараро тарқатиш ва оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Абдумуталиб Сулеймонов. — Қолаверса, бу турли ҳудудлардан келган боғбонларга ўзаро тажриба алмашиш имконини берди.

Тадбир доирасида меваларни ноанъанавий усулларда қутиш, қадоклаш бўйича ҳамда шафтолини узок вақтгача сифатли сақлашга мўлжалланган илгор технологиялар тақдимоти ўтказилди. Айниқса, Наманган вилоятининг Тўракўргон туманидаги “Ширинал агро” агрофирмаси технолог-маслаҳатчиси Маърифатхон Назарованинг шафтолини уй шароитида кайта ишлаб, цукат, мармелад ва қоқи тайёрлашга оид тақдимоти иштирокчиларда катта қизиши ўфтоди.

Танловга тақдим этилган меваларни ноёб нав”, “Бозорбоп нав” ва “Қайта ишлашга мос нав” каби номинациялар бўйича баҳоланиб, 12 нафарғилилар ташкилотчиларнинг қиммат баҳо совғалари билан тақдирланди.

Нурилло НЎЙМОНОВ

Хоразм Вилояти

«ОЙДИН ҲАЁТ»ДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси йил сайнин чирой очиб бораётган қишлоқларимизни қиёғасида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун қишлоқ аҳли замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам турар-жойларда истиқомат қилимокда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августанда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида вилоятимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда

изчил олиб борилмоқда. Шаҳардаги йиллардан асло қолишмайдиган ушбу турар-жойларни бунёд этишда ҳалқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳар бир худуднинг ўзига хос табиии иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда замонавий меъморчилик услубларидан фойдаланимокда. Мехмонхона, ёткозона, болалар хонаси, шинам ошхона, кичик томорқа – буларнинг барчаси хотадон эгасининг шаҳардагидек турмуш

кечиришига хизмат қиласи, албатта.

Ана шундай кўркам ва замонавий йиллар қурилиши Хонқа туманида ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Жорий йилда тумандаги Олажа қишлоғининг Истиқолол махалласида 48 та, Мадир қишлоғининг Дўстлик махалласида 37 та замонавий уй-жой қўрилмоқда. Битказилиб, эгаларига топширилган бўлса, яна ўнлаб турар-жойларни қуриш бўйича бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Айни кунларда Ойдин ҳаёт маҳалласида ҳам янги уйга кўчиб ўтган хонадон соҳиблари катта хурсандчилик билан ҳовли тўйларини ўтказишмоқда.

— Бундай замонавий, кўркам ва мус-

таҳкам уйлар қишлоқларимизга ҳақиқий шаҳар тусини бериши билан бирга уй эгаларига узоқ йиллар хизмат қиласи, — дейди Ойдин ҳаёт маҳалла фуқаролар йигини раиси Баҳодир Худойберганов. — Одамларимиз ҳар тонлонлама кулагай ва шинам турар-жойларга кўчиб ўтганидан мамнун.

Ҳа, Ойдин ҳаётда истиқомат қилаётганлар бугунги ҳаётидан мамнун ва эртанги кунининг бундан-да гўзал бўлишига ишонади. Энг мухими, айни кунларда у ерда хурсандчиликлар хурсандчиликка, тўйлар тўйларга уланмоқда.

**Холмурод КУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.**

Жиззах Вилояти

ФЕРМЕРНИНГ КИЧИК ИХТИРОСИ КАТТА САМАРА БЕРМОҚДА

Мирзачўл туманидаги Расул Ҳайдаров номли сув истеъмолчилари ўюшмаси бош ҳосилоти Абдулла Беков "Асадбек" фермер хўжалиги раҳбари Акрам Қўчаров билан пахта далаларини оралаб юрибди. Улар пайкалнинг ҳар-ҳар жойида тўхтаб, бир-бирларига у ер-бу ерларни кўрсатганча нималарнидир гаплашади. Баъзан мамнуният билан бош иргаб қўйишади. Баъзан фермер ён дафтарига нималарнидир «илдириб» қўяди.

Абдуллажон экиннинг қалинроқ жойида тўхтаб, бир-бирига айкашиб кетган ғўзалар орасини очди-да, ўтириб олиб, қўсакларни санай бошлиди: бир, иккى, уч... Йигирма уч, йигирма тўрт. У тутган тупда катталиги данақдан бошлаб ийрик олмача келадиган қўсакларнинг ўзи шунча чиқди. Эрта-индин қўсакка айланмоқчи бўлиб турган гуллари ҳам ундан кам эмасди.

— Шартнома режангиз бўйича ҳар гектардан 25 центнердан пахта топширишингиз керакми?, — сўради бош ҳосилот фермерга юзланиб.


— Ҳа, лекин 25 ўрнига 40 центнердан "ок олтин" топширамиз, деб вайда берганимиз, — тушунтириди фермер.

— Насиб бўлса, ваъдангизни бажарасиз. Чунки бунинг учун ҳозирги мавжуд гул ва қўсаклар ҳам етарли, — деди ҳосилот. — Ғўза парваришида муҳим палла — август ойининг ярми олдинда турганини ҳисобга олсан, бу йил сизга "эллик" ҳам чўт эмас.

Бош ҳосилотнинг бу гаплари фермернинг кучига куч, файратига файрат қўши, шекили.

— Эллик бўлса, элликда, — деди у. — Ҳозир кўшэгатлаб "шарбатли" сув тарајамиз. Кимёвий препаратлар билан ҳам озиқлантириб, ҳам чилпиямиз. Лекин "Устикс" деганингиз, айнан бизнинг Мирзачўлнинг препарати экан. Ўзимизда, ўз шароитимизга мослаб ишлаб чиқарилганда. Асосий поя ва ён шохларни ўсишдан тўхтаби, нуқул ҳосил тутунларига куч бераркан. Бугун битта пушти гулни белгилаб қўйсангиз, эртага қўсакка айланади. Кичикроқ қўсакнинг эса бир-икки кундаёқ тўлишаётганини қўрасиз.

Ғўзаларимизнинг кўки аввалдан



**— Одатда қўсак
куртларининг капалакларини
тутиш учун картон кутилардан
ясалган ферамон тутқичлар ва
хамиртуруш, шакар, олмақоқи
аралашмаларидан иборат ачитқи солинган
баклажкалардан фойдаланиларди, — дейди
фермер. — Биз хамиртуруш ўрнига пиво ёки
вино солиб қўйдик. Натижা зўр бўлди. Бу
ичимликлар ҳиди қўсак курти
капалакларини янада фаол жалб этаркан,
ёппасига қирон келтирипти. Шунинг
учун ҳозир қўсак куртидан
зарарланётган бир қарич
ҳам пахтазор йўқ.**

яхши эди, лекин ҳозир юкига юқ қўшиляпти. Энди кўкидан ҳам, юкидан ҳам хурсандмиз. Гул ва мевалари қанчалик кўпаймасин, тўкилиб кетмайди. Негаки, кимёвий чилпишни вақтида ўтказиш билан бирга, қўшимча озиқлантириш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш, суғориш ва культивациялаш ишларини бир-бирига боғлаб ташкил этганимиз. Механизатор Қобиљон Мелибоев культиватор ишчи қисмларини камайтириб, ҳосил элементларига зиён етказмаслик учун ўраб-чирмаб ишлататётганига анча бўлди.


— Одатда қўсак куртларининг капалакларини тутиш учун картон кутилардан ясалган ферамон тутқичлар ва хамиртуруш, шакар, олмақоқи аралашмаларидан иборат ачитқи солинган баклажкалардан фойдаланиларди, — дейди фермер. — Бу идишлардаги тутиш воситалари асосан, ширали капсула (хушбўй елим, резина), ачитқи, шакар, олмақоқи аралашмалари бўлиб, улар ҳид ва таъми билан капалакларни чорларди. Кейинчалик бу ачитқилар таркибидаги хамиртуруш ўрнига пиво ёки вино солиб қўйдик. Натижা зўр бўлди. Бу ичимликлар ҳиди

қўсак курти капалакларини янада фаол жалб этаркан, ёппасига қирон келтирипти. Шунинг учун ҳозир қўсак куртидан заарланётган бир қарич ҳам пахтазор йўқ. Нима бўпти, 3-4 литр пивоми, 2-3 литр кагор-пагорми... кетса кетибди. Муҳими, яхши натижা бераяпти. Балки келаси йиллардан пиво ё вино ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндилиридан фойдаланишини йўлга қўярмиз.

Излаган имкон топади. Бу бор гап. Биз ҳикоя қилган ҳудуддаги фермер ва мутахассисларнинг изланиш ва интилишлари туфайли аввалига зарар кунанда ҳашаротларга қарши фойдали ҳашаротлар билан курашиш усули йўлаб топилди, сўнг ферамон тутқичлар

кашф этилди. Натижада далаларга заҳарли кимёвий препаратлар сепишдан бутунлай воз кечилди. Энди у янада мукаммалаштирилибди. Яъни ачитқилар таркибидаги хамиртуруш ўрнига пиво ёки винодан фойдаланиш йўлга кўйилди. Энг муҳими, айни пайтда бу кичик "ихтиро" қўпгина фермер хўжаликлиарида кўлланилиб, юқори самара беради.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**



Завқли ёз

Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

▼ ИЛФОР ТАЖРИБАЛАР – АМАЛИЁТГА

Самарқанд Вилояти

Бу йил иштихонлик дехқонлар учун баракали келди. 7440 гектар майдонда ғалла парваришилган ғаллакорлар фидокорона меҳнатлари эвазига гектаридан ўртача 56,3 центнердан ҳосил олишиб, давлатга ғалла сотиши шартномасини ошиғи билан бажардилар. Ҳозирда эса асосий ўтибор 3730 гектар майдонда баравж ривожланётган ғўзаларни обитобида парвариш қилишга қаратилмоқда.

ДАЛАДА МАРОКЛИ ХОРДИК

Бу борада иштихонликлар тажрибаси ибратга лойик

— Дехқонларнинг бағри ҳам дала-си каби очиқ, — дейди «Митан истиқболи» мұқобил машина-трактор парки раиси Шамсиидин Алқаров. — Айниқса, улар ўз меҳнатининг самарасини кўрса, амалга ошираётган ишлари этирофини ҳис қиласа, бахтиёр бўлади. Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг ғаллакорларга йўллаган табригига туманимизнинг номини алоҳида тилга олгани миришкорларимиз учун юксак ўтибор ва рабатидир. Даладаги меҳнат унумдорлигига механизатор ва ишчиларнинг кўнгилдагидек хордик чиқарishi муҳим аҳамият касб этади. Шу кеча-кундузда дехқонлар асосий ўтиборни ғўза парваришига қаратилмоқда. Ҳар бир фермер хўжалигининг даласида механизаторлар ва ишчилар кўнгилдагидек хордик чиқарishi учун барча шароит яратилган. Туман бўйича 19 та наумунали дала шийлони, 222 та чайла ва 27 та ертўла барпо этилган.

— Ҳар қандай янгилик унтилган эскилиқдир, деган гапда жон бор, — дейди Ш.Алқаров. — Ҳозир далаларимизда барпо этилган ертўлалар олдин ҳам лалмикор ерларда кенг кўлланилган. Жумладан, қўшни Кўшработ, Нуробод ва Каттақўргон туманларининг дашт ҳудудларида ҳали ҳам қир ёнбағирларида қазилган ертўлаларни учратиш мумкин. Ўша даврларда буғдой кўлда ўрилган ва қишлоқ аҳли бола-чақаси билан дала бошига кўчиб чиқишиган. Бу эса ертўлалардан фойдаланиш эҳтиёжини келтириб чиқарган. Бугун ишчи ва механизаторларимиз учун барпо этилётган ертўлалар улардан тубдан фарқ қиласи. Сабаби, барча далаларда тик ёнбағирларидан йўқ, шу боис, ер кўкрак бўйи чуқурликда, энига икки ярим-уч метр, бўйига эса 7-8 метр узунлиқда қазилади. Сўнгра, атрофи 40-50 сантиметр баландликда хом гишт билан кўтарилиб, усти ёпилади. Қарағиски, механизаторлар учун шинам бошпана тайёр. Ертўлаларнинг чайалардан афзалиги шундаки, ташқарида офтоб қанча қиздирмасин, унинг ичидаги ҳарорат 15-20 градусдан ошмайди. Ертўлаларнинг ичи кенг бўлгани боис, уларда бир вақтнинг ўзида 14-15 нафар ишчи ёки механизатор бемалол ҳордик чиқара олади. У кун кизиган пайтида бошпана ўрнини ўтаса, оқшомда ишчилар учун кенг супа ўрнини ҳам босади. Асосийси, музлаткич ҳам шарт эмас. Ертўлага кириптай ҳашилаб ўраб кўйилган турли маҳсулотлар ва чанковбосди ичимликлар узок пайтгача асл ҳолатини йўқотмайди. Яхши ва сифатли барпо этилган ертўлалар бир неча ўн йил мобайнида фермер хўжалигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Акбар КАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти



КОРАҚҮТОННИНГ САРИК «ҚҰЗИ»ЛАРИ

Ёхуд бир түп лимон бир соғылқдан күрек
даромад көлтиришини биласи兹ми?

«Бизнинг қишлоқда ҳар ўнта одамнинг учтасида ем-хашак емайдиган «қўй» бор. Кам деганида 20-30 та, баъзиларида эса 100-150 тагача... Лекин бу «қўй»лар қўтонда эмас, иссиқхонада парвариш қилинади ва бир «туғиши»да битта-иккита эмас, юзталаб, мингтала «қўзи» туғади...»

Соат бобо Бойбуловнинг ярим ҳазил, ярим чин айтган бу гапларини шаҳарлик ошнаси дастлаб тушунмади. «Йўғ-ей, ем-хашак емайдиган кўй ҳам бўладими?! Бунинг устига юзта, мингта қўзи туғса-я!» деб жайрон қолди, кейин эса «Ёлғонниям қотирасан-да!» деб кулиб ўборди.

Ха, мен ҳам бошида бу гапларнинг асл маъносини тушунмаган эканман. Ахир ҳакиқатан ҳам биринчи бор эшитган одамга фалати туюлади-да. Лекин кейинчалик Қамаши туманидаги Қорақўтон қишлоғига бориб, лимон етишириладиган иссиқхоналар эгалари билан сұхбатлашганимда, бу мўъжазгина қишлоқнинг оддийгина мўъжизаси нимадан иборат эканлигини бир қадар тушунгандай бўлдим.

— Сезишимча, бу гапларни сиз ҳам шунчаки ҳазил деб тушундингиз, — дейди Соат Бойбулов. — Аммо биз — қорақўтонликлар бир туп лимондан оладиган фойдамизни ана шундай хисоблаймиз. Бу қишлоқча математик хисоб-китоб. Чунки ҳосилга кирган бир туп лимон мевасининг пули бемалол бозордаги энг олди қўйни сотиб олишга етади.

Адашмасам, бу иш билан шуғулланганимизга ҳам ўн-ун беш йиллар бўлди-ёв. Дастрлаб буни Сурхондарёдай жойдан олиб келиб экканимизда кўпчилик қишлоқдошларимиз роса ажабланишганди. Ўзи бир шўр мева бўлса, буни бозорга олиб чиқсан билан бирор олмайди... Ташвиши-чи?! Кузда ёп, баҳорда оч. Лекин мана кўриб турганингиздек, бугунги кунга келиб, қишлоғимиздаги деярли ҳар бир хонадонда «теплица» — иссиқхона бор.

Соат акадан бу «қўй»ларнинг қандай кўпайтирилишини сўраганимда:

— У асосан иккى хил қаламчалар орқали ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Уни экишдан олдин жойи ях-

мартағача шакл берилади. «Эркак қўл», яъни ҳосил бермайдиган ёввойи ва эски новдалар олиб ташланади, мева тугадиган ёш новдалар — ўринбосарлар қолдирилади. Лимонни кучлантириш ва

ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим жиҳати, ҳар иккича йилда ўзимизнинг маҳаллий ўғитлар, яъни эски, кўп йиллик бижитилган гўнг билан озиқлантириб туришdir. Бу ер унумдорлигини ошириб, лимонни шўр ва заҳдан асрайди.

Фақат лимонни экиб қўйиш билан бундай натижага эришиб бўлмайди, — деб сұхбатга қўшилади Парда Шерматов — қишлоқдошлари орасида «лимон устаси» деб ном олган инсон. — Лимон алоҳида парваришни талаб қилади. Агар етарлича этибор бермасангиз, баъзи бир касалликларга чалиниб, сиз кутган ҳосилни бермайди. Масалан, у ҳосилга киргандан кейин ҳар ойда бир ювиб, керакли воситалар билан дорилаб турмасангиз, шира тушиб, ҳосилдорликка жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташкари, лимон дараҳтига бир йилда иккимарта, баъзан, лозим бўлганда эса уч


шилаб чириган гўнг билан тўлдирилади ва 4 метр энлиқдаги «теплица»ларда 2,5 метр оралиғида экиласди. Қадалган кўчат 3-4 йилда ҳосилга киради.

— Агар мехнатидан қочмай айтилган чуқурликда экилса, унинг совукқа чидамлилиги ортади. Чунки ер ости ер устидан кўра анча иссиқроқ бўлади. Бу эса қиши қаттиқ совук келса ҳам лимонни асраб қолиша бир қанча ентиликлар тұғидиради. Лекин лимон иссиқсевар ва ёргусевар ўсимлик бўлганлиги учун уни экаётганда иссиқхонага қўёш нури тушишини хисоби

БИЛАСИЗМИ?

ЛИМОН. Дараҳти баландлиги 3-7 метр, шох-шаббаси ёйик. Новдалари тиканли, баъзилари тикансиз. Барги қалин, оч яшил, чўзиқ-тухумсимон. Гуллари иккى жинсли, оқ, хушбўй. Меваси тухумсимон, баъзан думалок, ўртача оғирлиги 120-400 граммга боради. Пўсти сарик, силлиқ ёки ғадир-бүрдур, тахир. Эти 8-12 паллали, оч сарик, серсув, нордон. Шарбати таркибида 3,5-8,1 % кислота (асосан, лимон кислота), 1,9-3,0 % қанд, витамин С (100 г.да 45-140 мг), РР ва В ҳамда пектин моддалар, темир, фосфор, калий, кальций, магний тузлари бор. Асосан, ҳўллигича ейилади, кондитер маҳсулотлари тайёрлашда, шарбат, лимонад, лимон кислота олишда ишлатилади.

Лимон қаламчасидан ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Богда 2,5x4 схемада экиласди. Кўчати ўтқазилганидан кейин 3-4-йили ҳосил беради. Очиқ боғларда лимон кўклам, ёз ва кузда ўсади, қишида тиним даврига ўтади. Кўкламда гуллайди, меваси 150-170 кунда етилади. Траншея шароитида эса кузда ҳарорати 3-5° га тушганда ўсишни давом эттиради. Барглари ҳар 2-3 йилда янгиланади. Лимон иссиқсевар, ёргусевар ва намга талабчан ўсимлик. -1,5-2° да мева ва пишмаган новдаларини, -5, -6° да тупини совук уради. Ҳаво ҳарорати 17-18° да бўлганда нормал ривожланади. Лимон чириндига бой, сувни яхши ўтказадиган ёнгил тупроқларда мўл ҳосил беради.



га олиш муҳим. Бизнинг шароитимизда ўсадиган лимоннинг баландлиги уч метртагача бўлиб, тиконли ва тиконсиз бўлади.

Сир эмаски, баъзи йиллари қишининг қаттиқ келишидан чорвадорларнинг кўй-кўзилари сони анчагина камайиб, бундан кўплар катта зарар кўришади. Ҳўш, ўшандай қаҳратон совук қорақўтонликларнинг «кўй»ларига қандай таъсир қиласр экан?

— Аслида илмий жиҳатдан лимоннинг совуқа чидамлилиги минус 5-6 даражагача дейилса-да, кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкини, шу йиллар оралиғида 10 даражагача бўлган совуқлар ҳам лимонларимизга деярли таъсир кўрсатмаганди, — дейди Соат Бойбулов. — Лекин адашмасам 4-5 йил бўлдиёв, қиши ўта оғир келди. Тўғри, имкон қадар сақлаб қолдик. Аммо ҳаммасини эмас.

— Негадир ҳеч қандай иситиш во-ситалари кўринмайди? — атрофга назар ташлаб сўрайман лимончилардан.

— Биз иссиқхоналаримизни иситиша асосан ўзимизнинг жайдари усуллардан фойдаланамиз, — дейди Парда Шерматов. — Бунинг учун, аввало, қураётган иссиқхонангизнинг девори пахсадан урилиб, пастроқ бўлгани маъқул. Уни қанчалик кўп қорамол ва қўйнинг эски нуриси билан тўлдирсангиз, иссиқхонангиз шунчалик иссиқ бўларкан. Чунки нури ўзидан кўп миқдорда иссиқлик чиқарип туради.

— Бир йили мана бундай бўлганди, — дейди Соат ака кулиб. — Қиши қаттиқ келиб, лимон дараҳтининг ҳаммасини совук уриб кетди. Эрта баҳорда ўғлим Нура болта кўтариб, «парник»да турибди. Ҳа, десам, «Чопаман, ўрнига помидор экаман», дейди. Ўзимни тутиб туролмадим. Айтадиганимни айтдим. Ахир мана шунинг орқасидан тўй қилдик, уй қурдик, машина олдик. Қилмоқчи бўлган ишидан ўзи ҳам уялиб кетди денг. Яна ўн туп қўшиб, саксон туп лимон кўчати олиб келиб экди. Мана, яна ҳар йили тоналаб ҳосил оляпмиз.

Дарҳақиқат, бугун ерни ҳазина билуб, астайдил меҳнат қилган одам кам бўлмаяпти. Қорақўтонликлар иши мисол бунга. Ушбу қишлоқ одамлари томорқасида лимон парваришлаб, ҳар йили ўртacha 5-10 миллион сўм даромад олишмокда. Муҳими, яхши яшяяпти. Бой бўлди. Бўлайпти. Бу бор гап. Суҳбатимиз якунида қишлоқ аҳли қишлоқчасига соддалик билан шундай дейди:

— Одам, аввало, ерни севиш ва унга меҳр қўйиши керак. Ерни севган, уни қадрлаган Ватанини ҳам севади, улуғлайди. Фарзандларимизнинг ҳаммаси иш билан банд. Энг муҳими, биз сурв-сурув «кўй»ларга эга бўлган, одамлари бой қишлоқмиз. Мана шундай тинч-тотув, тўкинчилик ва фаровон хаётда яшаётганимиздан хурсандмиз.

Ҳа, чиндан ҳам кундан-кун тараққиёт ва фаровонлик сари юз тутиб бораётган бу қишлоқ аҳли буғунги ҳаётдан кўнгли тўқ ва эртаниги кунга катта ишонч билан яшамоқда. Бу уларнинг қилаётган ишларидан, айтиётган гапларидан ва кўнгил тўғёнларидан ҳам сезилиб турнидиди. Мехнат қилган — бой бўлар, меҳнатнинг таги роҳат каби ҳалқимиз мақоллари шу қишлоқ одамлари учун айтилгандек гўё.

ЯНА БИР ГАП: бу қишлоқ ҳар йили ноябрь ва декабрь ойлари янгилик ва хурсандчиликларга бой бўларкан. Нега дейсизми? Чунки айнан шу ойларда лимончилар етиштирган ҳосилини сотишида қишлоқ аҳли ўтрасида «Соатбой» янги «Матиз» олибди», «Маъруф «Тико»сини «Нексия»га алмаштирибди», «Фалончи шаҳардан уй сотиб олибди» деган гаплар тарқалади. Энг муҳими — одамлар бу гапларни ҳасад эмас, ҳавас билан айтишида ва шу билан лимончиларнинг маҳорати, ишбильармонлигига тан беришади.

Назарали ТИЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ЭЪЛОН

«КО`ЧМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг 2013 йил 12 августдаги 01-02/529-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш хукуки танловга кўйилмоқда:

